

## **Солиқ қўмитаси ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши фаолиятининг 2024 йилдаги асосий йўналишлари**

### **I. Солиқ назорати ва солиқ низоларини ҳал этиш самарадорлигини таҳлил қилиш**

1.1. 2022 - 2023 йилларда солиқ назорати натижаларини таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш

1.2. Солиқ низоларини судгача кўриб чиқиш натижаларини таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш

1.3. Солиқ низоларини суд томонидан кўриб чиқиш натижаларини таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш

### **II. Солиқ қонунчилигини такомиллаштириш**

#### **2.1. Концептуал ҳужжатларни ишлаб чиқиш**

2.1.1. Солиқ органларининг назорат-тафтиш фаолиятини такомиллаштириш концепцияси

2.1.2. Солиқ қонунчилигини бузганлик учун жазо чораларини белгилаш ва қўллаш концепцияси

2.1.3. Солиқ органи мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлигини ҳуқуқий тартибга солиш концепцияси

2.1.4. Солиқ ҳисобини ҳуқуқий тартибга солиш концепцияси

2.1.5. Савдо соҳасида жисмоний шахслар томонидан P2P тўловлари ва нақд пулда ҳисоб-китобларни амалга ошириш билан боғлиқ солиқ ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш концепцияси

#### **2.2. Солиқ кодексининг янги боблари, бўлимлари ва моддалари бўйича таклифлар тайёрлаш**

2.2.1. Солиқ кодексининг “Солиқ органлари мансабдор шахсларининг ҳуқуқбузарликлари ва уларни содир этганлик учун жавобгарлиги” номли янги боби лойиҳаси

2.2.2. Солиқ кодексининг “Солиқ ҳисоби” номли янги боби лойиҳаси

2.2.3. Солиқ кодексининг “Лизинг операцияларини солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари” номли янги моддаси лойиҳаси.

#### **2.3. Солиқ кодекси нормаларини тузатиш бўйича таклифлар тайёрлаш**

2.3.1. “Солиқ назорати” номли V бўлимга ўзгартиришлар (маъмурчилик масалалари, таҳлика-таҳлил тизими ва ҳ.к)

2.3.2. Солиқ кодексидаги тушунарсиз ва мунозарали нормаларни аниқлаш ва уларга ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

2.3.3. Атамалар луғати қўшилиши

### **III. Солиқ қонунчилиги бўйича норматив ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш**

Солиқ маъмуриятчилиги ва солиққа тортиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш

### **IV. Солиқ органларида коррупциянинг олдини олиш бўйича тадбирларда иштирок этиш**

4.1. Коррупциянинг олдини олиш бўйича идоравий ҳужжатлар ва чора-тадбирлар режалари ҳамда уларнинг бажарилиши бўйича ҳисоботларни экспертизадан ўтказиш

4.2. Коррупциянинг мавжуд даражасини баҳолаш, коррупциянинг намоён бўлишига ёрдам берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш учун ижтимоий сўровлар ўтказилишини ташкил этиш.

4.3. Коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

### **V. Солиқ қўмитаси фаолияти юзасидан жамоатчилик фикрини мониторинг ва таҳлил қилиш. Солиқ қўмитаси ташаббуси билан солиқ тўловчилар ўртасида даврий равишда сўровларномалар ўтказиш;**

5.1. “Солиқ органлари – солиқ тўловчиларнинг ҳамкори” тамойилининг амалга оширилиши ва кўрсатилаётган хизматлардан қониқиш даражаси бўйича солиқ тўловчилар ўртасида сўровнома ўтказиш.

5.2. Солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш масалалари бўйича солиқ тўловчилар ўртасида сўровнома ўтказиш

### **VI. Жамоатчилик кенгаши фаолияти тўғрисида солиқ тўловчиларни хабардор қилиш**

6.1. Ҳар чоракда soliq.uz веб-сайтида Жамоатчилик кенгаши фаолиятига оид маълумотларни эълон қилиб бориш

6.2. Жамоатчилик кенгаши фаолияти тўғрисида ижтимоий тармоқлар ва мессенжерларда, ихтисослаштирилган бухгалтерия ресурсларида ахборот бериш.